

Назорат қилувчи органлар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи  
Республика кенгашининг 2015 йил 2  
июндаги \_даги \_1\_-сонли мажлиси  
баёнига асосан маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси  
Департаменти Бошлиғининг  
2015 йил “\_10\_” июндаги  
\_\_73\_\_-сонли буйруғига  
\_1\_-илова

**Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика  
ишларининг самарадорлиги асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини  
лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти  
фаолиятини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги  
Н И З О М**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги 419-И-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан Тошкент шаҳрида йўловчи ташишларни тартибга солиш юзасидан қабул қилинган Фармон, қарорлари ҳамда автомобиль транспорти тўғрисидаги қонун-ҳужжатлари, йўловчилар, багаж ва юклар ташиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишларининг самарадорлиги асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, кейинги ўринларда "Департамент", фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайди.

Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишлари улар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларга киритилаётган ўзгартиришларни тушунтириш ҳамда ушбу субъектлар томонидан автомобиль транспорти тўғрисидаги қонунчилиги талаблари бузилишини олдини олиш, улар фаолиятидаги камчиликларни текширишгача бартараф этилишини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларида профилактика ишлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментида ташкил этиладиган «Очик эшиклар куни», семинар ва бошқа тадбирлар орқали ёки «Ишонч телефонлари», оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш орқали ўтказилиши мумкин.

Профилактика ишлари биринчи навбатда фаолиятини янгидан бошлаган ёки фаолияти давомида қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйиш эҳтимоли бор, хусусан мониторинг давомида камчилик аниқланган, лицензия талаблари ва шартларини бузаётган субъектларда ўтказилиши лозим.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан

Ўтказиладиган профилактика ишларини ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳамда уларнинг самарадорлиги куйидаги тартибда баҳоланади:

I. Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишларини ташкил этилиши ва ўтказилиши.

II. Профилактика ишларининг самарадорлиги.

I. Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишларини ташкил этилиши ва ўтказилиши бўйича.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари куйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

**1. Шаҳар йўловчилар транспортига оид қонунчилигига доир қонун ҳужжатлари талабларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситалари ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда чиқишлар сони:**

- телевидение, радио, матбуот ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда қилинган чиқишлар сони 15 та ва ундан кўпни ташкил этган бўлса – 5 балл;

- телевидение, радио, матбуот ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда қилинган чиқишлар сони 5 тадан 15 тагачани ташкил этган бўлса - 3 балл;

- телевидение, радио, матбуот ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда қилинган чиқишлар сони 5 тадан камни ташкил этган бўлса - 1 балл.

**2. «Очиқ эшиклар куни» тадбирларини ташкил этиш орқали профилактика ишларини ўтказиш:**

- ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 70 фоизидан кўпи ечимини топган бўлса - 5 балл;

- ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 30 фоизидан 70 фоизигача ечимини топган бўлса - 3 балл;

- ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 30 фоизигача ечимини топган бўлса - 1 балл.

**3. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида семинар, тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлари ташкил этилиши орқали профилактика ишларини ўтказилиши:**

- ташкил этилган семинарларда тадбиркорлик субъектларининг 50 фоизидан

ортиғи қамраб олинган бўлса - 5 балл;

- ташкил этилган семинарларда тадбиркорлик субъектларининг 20 фоиздан 50 фоизгача қисми қамраб олинган бўлса - 3 балл;

- ташкил этилган семинарларда тадбиркорлик субъектларининг 20 фоизгача қисми қамраб олинган бўлса - 1 балл.

**4. Тадбиркорлик субъектларининг назорат органлари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари экс этган тарқатма материаллар билан таъминланиши:**

- тадбиркорлик субъектларининг 75 фоиздан ортиқ қисми тарқатма материаллар билан таъминланган бўлса – 5 балл.

- тадбиркорлик субъектларининг 50 фоиздан 75 фоизгача қисми тарқатма материаллар билан таъминланган бўлса – 3 балл.

- тадбиркорлик субъектларининг 50 фоизгача қисми тарқатма материаллар билан таъминланган бўлса – 1 балл.

**II. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги.**

**5. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган режали текширишлар натижалари бўйича аниқланган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш.**

- аниқланган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш 80 фоиздан ортиқ - 5 балл;

- аниқланган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш 60 фоиздан 80 фоизгача бўлса - 3 балл;

- аниқланган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этган даражаси 30 фоиздан кам бўлса – 0 балл.

**6. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган режадан ташқари текширишлар сонининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши**

- режадан ташқари текширишлар сони камайган бўлса - 5 балл;

- режадан ташқари текширишлар сони ўзгармаган бўлса - 3 балл;

- режадан ташқари текширишлар сони ошган бўлса – 0 балл.

**7. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган режали текширишлар натижалари тадбиркорларнинг тугатилиш даражасига олиб келмаслиги.**

Охириги бир йил давомида текшириш ўтказилган тадбиркорлик субъектларидан:

- тугатилган тадбиркорлик субъектлари бўлмаса - 5 балл;

- 2 тагача тадбиркорлик субъектлари тугатилган бўлса - 3 балл;

- 3 таси ва ундан ортиқ субъектлар тугатилган бўлса – 0 балл.

**8. Ўтказилган текширишларда тадбиркорлик субъектлари томонидан шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида қонунчилиги бузилиши ҳолатлари камайишига эришиш:**

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70 фоиздан кўпга камайган бўлса – 5 балл;

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиздан кўпга камайган бўлса – 3

балл;

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизгача камайган бўлса – 1 балл.

**9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолияти устидан тадбиркорлик субъектлари томонидан келиб тушган шикоятлар сонининг ўзгариши:**

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70 фоиздан кўпга камайган бўлса – 5 балл;

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиздан 70 фоизгача камайган бўлса – 3 балл;

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизгача камайган, камаймаган ёки ошган бўлса – 1 балл.

**Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини баҳолаш.**

Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги асосида Департамент фаолияти ҳар чорак якуни билан Йўловчилар оқимини ўрганиш, йўловчи ташиш йўналишларининг барча турларини мувофиқлаштириш бўлимининг бош мутахассиси Далилов Мираваз Мирсаидович томонидан иловадаги жадвал шаклида умумлаштириш йўли билан баҳоланиб борилади.

Баҳолаш натижаларига кўра энг паст кўрсаткичларни қайд этган Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи, ўринбосарларига ва ходимларига тегишли чоралар белгиланиши ҳамда энг яхши натижаларга эришган ва юқори баҳо олган Департамент бошлиғи, ўринбосари ва ходимларига рағбатлантириш чоралари кўрилиши мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича иловадаги жадвал шаклида маълумот ва энг паст кўрсаткичларни қайд этган ходимларга нисбатан кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборот ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 10 санасига қадар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ишчи органига юборилади.